

Шавкат Мирзиёев жабрланганлардан кўнгил сўради



Президент Шавкат Мирзиёев Сардобадаги фавқулодда ҳодиса сабабли Гулистон шаҳрига эвакуация қилинган одамлар билан мулоқот қилиб, улардан кўнгил сўради. Ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ҳаммага ғамхўрлик кўрсатилишини таъкидлади.

Хукумат комиссиясига берилган кўрсатмалар асосида сув босган ҳудудларни тозалаш, қурилиш ва таъмиглаш, турмуш маромини йўлга қўйиш бўйича узлуксиз иш давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2 май тунда Тошкентга қайтиб келди.





Манба